

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 900-ҳадис

900/1889 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: لَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ

وَعِكَ أَبُو بَكْرٍ وَبِلَالٌ، فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ إِذَا أَخَذَتْهُ الْحُمَى يَقُولُ:

كُلُّ امْرِيٍّ مُصَبَّحٌ فِي أَهْلِهِ وَالْمَوْتُ أَذْنِي مِنْ شِرَاكِ تَعْلِيهِ

وَكَانَ بِلَالٌ إِذَا أَقْلَعَ عَنْهُ الْحُمَى يَرْفَعُ عَقِيرَتَهُ يَقُولُ:

أَلَا لَيْتَ شِعْرِي هَلْ أَبَيْتَ لَيْلَةً بِوَادٍ وَحَوْلِي إِذْ خِرْتُ وَجَلِيلُ

وَهَلْ أَرَدْتُ يَوْمًا مِيَاهَ مَجْنَّةٍ وَهَلْ يَبْدُونَ لِي شَامَةً وَطَفِيلُ

وَقَالَ: اللَّهُمَّ الْعَنْ شَيْبَةَ بِنَ رَبِيعَةَ، وَعُتْبَةَ بِنَ رَبِيعَةَ، وَأُمَيَّةَ بِنَ خَلْفٍ، كَمَا أَخْرَجُونَا مِنْ أَرْضِنَا إِلَى أَرْضِ الْوَبَاءِ. ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللَّهُمَّ حَبِّبْ إِلَيْنَا الْمَدِينَةَ كَحُبِّبْنَا مَكَّةَ أَوْ أَشَدَّ، اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي صَاعِنَا وَفِي مُدِّنَا، وَصَحِّحْهَا لَنَا، وَانْقُلْ حُمَاهَا إِلَى الْجُحْفَةِ». قَالَتْ: وَقَدِمْنَا الْمَدِينَةَ وَهِيَ أَوْبًا أَرْضِ اللَّهِ، قَالَتْ: فَكَانَ بُطْحَانُ يَجْرِي نَجْلًا، تَعْنِي مَاءٌ آجِنًا.

900.1889. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Мадинага келганларида, Абу Бакр ва Билол қаттиқ безгакка чалиниб қолишди. Иситмаси кўтарилганда Абу Бакр бундай дер эди:

«Ҳар ким ўз аҳлида бўлсин субҳидам келса ажал,

Лек яқинроқдир ўлим шиптак ипидан ҳар маҳал».

Билол бўлса иситмаси қайтгач, овозини кўтариб:

«Кошки билсайдим, тунарманми яна мен бир кеча

Ушбу водий ичраким, атрофим изхиру жалил?!*

Ё қонарманми бирор кун ул Мажанна сувидан?!*

Ё кўрингайми манга энди яна Шома, Тафил*?»* дер эди.

У яна: «Аллоҳим, бизларни ўз еримиздан вабо ерига чиқарганлари учун Шайба ибн Робиъа, Утба ибн Робиъа ва Умайя ибн Халафларни лаънатла!» дерди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳим, Мадинани бизга худди Маккани суйганимиз каби ёки ундан-да каттиқроқ суюкли қилгин! Аллоҳим, бизнинг соъимизни ва муддимизни баракали қилгин. Уни (Мадинани) биз учун офият қилгин. Ундаги безгакни Жухфага* кўчиргин»**, дедилар.

Биз Мадинага келганимизда, у ер Аллоҳнинг энг ваболи ери эди. Бутҳон* сизиб оқарди». Айниган сув эди, демоқчи*.

* Изхир - Маккада ўсадиган хушбўй ҳидли машҳур ўсимлик.

* Жалил - қамишга ўхшаш нозик, одатда уйнинг атрофини ўраш учун ишлатиладиган ўсимлик.

* Мажанна - Маккадан тахминан бир барид (тахминан 22 км) узоқликдаги, Укоз бозори яқинида жойлашган сув ҳавзаси. У ерда шу ном билан аталган бозор ҳам бўлган.

* Шома ва Тафил - Макка атрофидаги, Мажанна яқинидаги тоғлар.

* Жухфа - Маккадан 183 км узоқликда жойлашган қишлоқ, у Шом ва Миср аҳли учун мийқот ҳисобланади.

* Бутҳон - Мадина саҳросидаги водий ва шу водийдаги ариқ.

Изоҳ: Оиша розияллоҳу анҳо Бутҳон ариғининг ёйилиб, сизиб оқиб ётиши унинг ифлосланишига ва бу ҳолат шу минтақада вабо касаллигининг тарқалишига сабаб бўлганини айтмоқчи. Ровийлардан бирининг «Айниган сув эди, демоқчи» деган изоҳи ҳам шунга далолат қилади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI